

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УЗАКОВА ШОХСАНАМ БАХРОМОВНА

**БОЛАЛАРДА МУКОВИСЦИДОЗ: КЛИНИК-ЛАБОРАТОР
ТАВСИФИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Узакова Шохсанам Бахромовна

Болаларда муковисцидоз: клиник-лаборатор тавсифи ва
даволаш тактикаси3

Узакова Шохсанам Бахромовна

Муковисцидоз у детей: клиничко-лабораторная характеристика и
тактика лечения27

Uzakova Shoksanam Bahramovna

Cystic fibrosis in children: clinical and laboratory characteristics and
tactics of treatment49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....53

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УЗАКОВА ШОХСАНАМ БАХРОМОВНА

**БОЛАЛАРДА МУКОВИСЦИДОЗ: КЛИНИК-ЛАБОРАТОР
ТАВСИФИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD /Тиб896 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсиев Фурқат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шомансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Зайнитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Аҳмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда болалар ҳаёти давомийлиги ва сифатини кескин қисқартирувчи муковисцидоз (МВ) ирсий касаллиги кўп кузатилмоқда. Муковисцидоз (Cystic Fibrosis) – ген мутацияси туфайли одамлар орасида жуда кенг тарқалган аутосом-рецессив касаллик (Cystic Fibrosis Transmembrane Conductance Regulator, CFTR) бўлиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ҳар йили дунёда 45–50 000 нафар бола ҳаётини муҳим аъзо ва тизимлар экзокрин безлари шикастланиши билан характерланувчи ва ҳатто ўлим ҳолатига олиб келувчи муковисцидоз касаллиги ташхиси билан туғилади. Беморларнинг кўпчилиги (95%) нафас етишмовчилигидан вафот этади...»¹. «...65% болаларда олти ойликкача бўлган ёшда, 80% ҳолатда бир ёшгача ва 90% ҳолатда икки ёшгача бўлган муддатда касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлади...»². Касалликнинг популяцияда учраш даражаси ортиб бораётганлиги, патогенетик механизмлари ва прогностик хавф омиллари етарлича ўрганилмаганлиги, нафас олиш тизими микробиомини ўрганиш тадқиқотлари олиб борилмаганлиги сабабли, ушбу касаллик бўйича илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда болалар касалликлари, айниқса, ирсий патологияларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болаларда муковисцидоз шаклланишининг патогенетик механизмлари ҳамда прогностик хавф омилларини аниқлаш, замонавий клиник-диагностик тадқиқот усуллари асосида CFTR гени мутацияси спектри, иммунореактив трипсин ва тер хлориди даражаси, D витамини ва иммун жавоб медиаторлари ролининг диагностик мезонларини белгилаш, даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида кенг камровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоклар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш...»³ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ирсий касалликларни ташхислаш,

¹ World Health Organization website, 2014.

² Симонова О.И. и др. Муковисцидоз: руководство для врачей. – Москва: Педиатр, 2018. – 84 с.

³ ЎзР Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда ЎзР ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

даволаш усулларини такомиллаштириш орқали касаллик асоратини камайтириш ва профилактиканинг самарали усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4440-сон «Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 45–50 минг бола муковисцидоз билан туғилади (Капранов Н.И., Каширская Н.Ю., 2017). Етакчи хорижий муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг катта қисмида XX асрда МВ касаллиги диагностикасининг фақат биринчи босқичи қайд этилган. Шунингдек, патологоанатом Дороти Андерсен томонидан МВ батафсил тавсифланган, бунда беморларнинг тер суюқлигида натрий ва хлор концентрациясининг юқори бўлиши аниқланган (Di Sant P. Agnese, Dailing R.S., АҚШ, Нью-Йоркдаги болалар госпитали) ва тер намунасини ўтказиш учун пилокарпинли тест таклиф этилган (Gibson, Cooke, АҚШ) (Симонова О.И., 2018; Донников М.Ю., 2020). МВ қайд этилаётган кўплаб мамлакатларда миллий регистрлар мавжуд: Россия (Воронкова А.Ю., Амелина Е.Л., Каширская Н.Ю., 2019), АҚШ (Cystic Fibrosis Foundation Patient Registry: 2020), Канада (Cystic Fibrosis Canada. The Canadian Cystic Fibrosis Registry 2018), Буюк Британия (UK Cystic Fibrosis Registry. Annual Data Report, 2018) ва бошқа мамлакатлар. Регистрларни тўплаш ва нашр этиш МВ миллий жамиятлари ишлари билан чамбарчас боғлиқ. Умумевропа регистри ECFS (European Cystic Fibrosis Society, МВ европа жамияти) томонидан назорат қилинади ва Европа иттифоқидаги 35 мамлакат (Финляндия, Исландия, Хорватия, Эстониядан ташқари), Туркия, Исроил, Белоруссия, Украина, Россия (European Cystic Fibrosis Society (ECFS) Patient Registry, 2020) нинг миллий регистрлари бўйича ахборотларни ўз ичига олади. АҚШ – МВга чалинган беморларнинг умумий сони бўйича етакчи мамлакат ҳисобланади ва бу ерда 2017 йилда 29887 нафар бемор қайд этилган; 2017 йилда умумевропа регистрида 48204 нафар одам турган. МВга чалинган беморларнинг ўртача ёши кўплаб регистрларда деярли бир хил:

умумий ҳолда Европада – 20,8 (18,5) ёш; АҚШда – 21,7 (19,3) ёш. Вафот этганларнинг ўртача ёши: АҚШда – 30,6 ёш, Европада – 31,2 (медиана – 29,0) ёш. АҚШда касалликка чалинганларнинг яшовчанлик даражаси 43,6 (95% СІ: 42,2–44,8) ёшни ташкил этади. 18 ёшдан катта беморлар улуши доимий равишда ортиб бормоқда: 2017 йилда АҚШда – 53,5% (2007 йилда – 45,0%), Европа бўйича ўртача – 51,3% (2011 йилда – 48,0%). МВ ташхисини қўйишда ўртача ёш 2017 йилда АҚШда 3,0 ойлик, Европа мамлакатларида – 4,0 ойлик; шунингдек, АҚШда 58,4% беморларга ташхис неонатал скрининг маълумотлари бўйича қўйилган (2007 йилда – фақат 34,2% да).

Болаларда МВ да яллиғланиш жараёнининг генетик ва иммунологик маркерлари Кондратьева Е.И. ва ҳаммуаллифлар (2016) томонидан ўрганилган. Kelsey R., Manderson Koivula F.N., McClenaghan N.H., Kelly C. (2019) томонидан эндокринологик ўзгаришлар тадқиқ этилган, Донников М.Ю. (2020) МВ нинг молекуляр-генетик диагностикаси биринчи босқичида қийшиқ эриш таҳлили усулининг ўзига хослиги (100%) ва сезувчанлигини кўрсатиб берган. Olaf Sommerburg (2005) (Германия) янги туғилган чақалоқларда МВ га неонатал скринингни таҳлил қилган ва касалликнинг эрта муддатларида даволашни бошлашда текширишнинг ноинвазив усуллари муҳим аҳамиятга эгаллигини қайд этган. Горяинова А.В. (2019) томонидан МВга чалинган болаларда бириктирувчи тўқима нодифференциал дисплазиясининг тарқалганлик ва клиник шаклларининг оғирлик даражаси ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида муковисцидоз муаммоси етарлича ёритилмаган. Мамлакатимизда МВ билан оғриган болалар ва уларнинг оналарида CFTR гени генотипик ассоциацияларининг энг аҳамиятли аллелларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган (Файзуллаева Н.Я. ва ҳаммуалл., 2018), иммунологик кўрсаткичларнинг силжиш коэффиценти ва касаллик кечишини башоратлаш индекси ишлаб чиқилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар болаларда МВ учраш даражасининг чуқур таҳлили, шунингдек, витамин D нинг аҳамияти ва нафас олиш тизими микробиоми бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган, бу, шубҳасиз, асоратларни олдини олишга ёрдам беради. Клиник-функционал, биокимёвий, генетик ва иммунологик кўрсаткичларни ўз вақтида ташхислаш ва патогенетик асосланган коррекциялаш касаллик зўрайиши даражасини камайтириш, ривожланишини секинлаштириш ҳамда ремиссия даврини узайтиришга ёрдам беради. Санаб ўтилган муаммога боғлиқ ушбу масалалар батафсил ўрганилиши талаб этилади, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ–4440-сон «Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш мақсадида

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда муковисцидознинг учраш даражасини ўрганиш, касалликнинг клиник-лаборатор хусусиятларини аниқлаш, ножўя таъсирини олдини олиш мақсадида даволаш тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

болаларда муковисцидознинг учраш даражасини ва клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаш;

муковисцидоз билан оғриган болаларда CFTR гени мутацияси спектри, иммунореактив трипсин ва тер хлориди даражасини баҳолаш;

муковисцидоз билан оғриган беморларда нафас йўлларидаги микрофлоранинг замонавий таркиби ва сезувчанлигини баҳолаш;

муковисцидоз билан оғриган болаларда D витамини (25(OH)D) ва иммун жавоб медиаторлари (IL – 1 β , IL – 8) даражасини баҳолаш;

олинган натижалар асосида муковисцидоз билан оғриган болаларда даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва катамнестик кузатувлар орқали уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг кузатуви остида бўлган 2014 йилдан 2019 йиллар давомида 0–14 ёшдаги муковисцидознинг аралаш шакли билан оғриган 120 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва амалий соғлом болалардан қон, қон зардоби, балғам, ахлат ва тер суюқлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик, генетик, бактериологик, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бронх-ўпка патологияси бўлган болаларда муковисцидознинг учраш даражаси (1,9%) ва касалликнинг кечишига таъсир этувчи: хомиладорликнинг асоратли кечиши (73,3%), I–II даражали камқонлик (93,3%), аллергия диатез (60%), оксил энергетик етишмовчилик (73,3%), рахитнинг қолдиқ асоратлари (53,3%), CFTR-F508del (31%) ва 2143delT (13,3%) нинг «оғир» мутациялари мавжудлиги, ташқи нафас функциясининг бузилиши (33,1%, $p < 0,001$) каби хавф омиллари исботланган;

муковисцидозли болаларда CFTR генини текшириш тадқиқот натижалари асосида 8 та мутацияси – F508del (31,0%), 2143delT (13,3%), N1303K (11,1%), 451 del8 (2,2%), R709X (8,9%), Y569D (4,4%), 546 insCTA (4,4%), G85E (4,4%) мавжудлиги исботланган;

муковисцидоз билан оғриган беморларда нафас йўллари микробиоти таркибининг етакчи патогенлари – *Staphylococcus aureus* (26,0%), *Pseudomonas aeruginosa* (20,0%) штамлари ҳамда 20% болаларда уларнинг бирикмаси III авлод цефалоспоринлар ва карбопенемга юқори резистентликка эгалиги исботланган (100%);

муковисцидоз билан оғриган болаларда 25(OH)D концентрациясига хос ўзгаришлар: 37,5% ҳолатда яққол дефицит (25(OH)D <10,0 нг/мл, p <0,001), 32,5% дефицит (25(OH)D <20,0 нг/мл, p<0,001), 20,0% ҳолатда етишмовчилик (25(OH)D<30,0 нг/мл, p<0,01) аниқланган, интерлейкинларнинг 3,4 ва 2,8 баробар кўп ишлаб чиқарилиши билан намоён бўлувчи цитокин профили (IL – 1β, IL – 8) нинг аҳамияти исботланган;

болаларда муковисцидозни даволашда бактериал лизат ва холекальциферолдан фойдаланилган ҳолда қайталанувчи респиратор касалликнинг ремиссия даврини узайтиришга ёрдам берувчи дифференциал даволаш схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муковисцидозли болаларда неонатал скрининг маълумотлари эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга кўмаклашувчи иммунореактив трипсинни баҳолаш нуқтаи назаридан асосланган;

болаларда муковисцидозни даволашнинг дифференциал схемаси ишлаб чиқилган ва иммунологик, биокимёвий ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

тиббиёт муассасаларида амалий фойдаланиш учун муковисцидоз билан оғриган болаларни даволашни олиб боришнинг иммункоррекцияловчи ва таркибида витамин сақловчи дори воситаларини ўз ичига олган усуллари ишлаб чиқилган ва асосланган;

касалликнинг клиник кечиши, биокимёвий, иммунологик ва функционал кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатувчи, касалликнинг зўрайишлари даражасини камайтирувчи, узоқ муддатли ремиссияга эришиш имконини берувчи ҳамда касалликнинг салбий оқибатларини бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатувчи муковисцидоз билан оғриган болаларни даволашнинг дифференциал усуллари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда муковисцидоз ривожланишининг патогенетик механизмларини клиник-функционал, биокимёвий, генетик, иммунологик маълумотларни баҳолаш орқали аниқлаш республикада келажакда ушбу соҳада янада чуқурроқ тадқиқотлар олиб борилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Олинган маълумотлар муковисцидозни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга кўмаклашувчи ва соғлиқни сақлаш соҳасига катта ҳисса қўшувчи диагностик мезонлар сифатида таклиф этилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иммункоррекцияловчи ҳамда таркибида витамин сақловчи дори воситаларидан фойдаланиб муковисцидоз билан оғриган беморларга дифференциал даволаш схемаси ишлаб чиқилган ва таклиф этилган. Муковисцидоз билан оғриган беморларга дифференциал даволаш комплексига холекальциферол, бактериал лизатнинг киритилиши касалликнинг клиник кечиши, биокимёвий, иммунологик ва функционал кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, касалликнинг зўрайиш даражасини камайтириш орқали узоқ муддатли ремиссияга эришиш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда муковисцидозни клиник-лаборатор тавсифлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда муковисцидознинг клиник ва диагностик хусусиятларига асосланган илмий натижалар асосида «Болаларда муковисцидознинг клиник-диагностик хусусиятлари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 апрелдаги 8н-д/140-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома МВ ни ўз вақтида аниқлаш, касалликнинг клиник кечиши, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни яхшилаш орқали касалликнинг зўрайиш даражасини камайтириш имконини берган;

болаларда муковисцидозни дифференциал даволаш усулларидан фойдаланиш орқали олинган илмий натижалар асосида «Болаларда муковисцидозни дифференциал даволаш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 сентябрдаги №8н-з/417-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни жорий этиш даволаш ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштиришга ва касалликнинг ножўй таъсирини олдини олиш имконини берган;

болаларда муковисцидозни клиник-лаборатор тавсифлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 апрелдаги 08-09/87-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари клиник амалиётга жорий қилиниши ушбу касалликка чалинган болаларда касалликнинг зўрайиш даражасини икки баробар камайтириш, болалар ҳаёт сифатини яхшилаш ва шу орқали иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 та республика, 1 та хорижий, 1 та Scopus журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муковицидоз муаммосига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи боби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида муаммонинг замонавий ҳолати, касаллик ривожланишининг хавф омиллари ва тарқалганлик даражаси, патогенезининг иммунологик механизмлари, иммунрегуляцияда цитокинлар иштироки тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган, шунингдек, мазкур ирсий касалликни ташхислаш ва даволаш усуллари изоҳланиб, бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Муковисцидоз билан текширилган болаларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқот ишининг босқичлари ва ҳажми тўғрисида маълумот берилган, шунингдек, 2014–2019 йиллар давомида ЎзР ССВ РИПИАТМ пульмонология бўлимида стационар даволанишда бўлган болалар касаллик тарихининг ретроспектив таҳлили келтирилган.

11956 нафар боланинг касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилиниши асосида бронх-ўпка патологияси бўлган 229 (1,9%) нафар болада МВ аниқланган, улар орасида ўғил болалар 54,5% ва қиз болалар 45,4% ни ташкил этган. Болаларнинг 82,5% ида МВ нинг аралаш шакли ва 17,5% ида касалликнинг ўпка шакли қайд этилган. 229 нафар боладан 186 нафар (81,2%) ида ташхис қўйилган сана бўйича натижалар йиғилган. 18,8% боланинг касаллик тарихида натижалар ташхис қўйилган сана бўйича акс эттирилмаган. Ёшга кўра ташхис қўйилиши энг катта – 87,6% кўрсаткичга эга бўлиб, 0–3 ёшга тўғри келади.

0–14 ёшгача бўлган МВ нинг аралаш шакли билан оғриган 120 нафар болада чуқурлаштирилган проспектив текширишлар олиб борилди. Беморларнинг умумий сонига нисбатан ўғил болалар – 54,2% ҳамда қиз болалар 45,8% ни ташкил этди. 12,5% болада ташхис клиник текширишлар асосида тасдиқланган, шунингдек, ушбу болаларда иммунореактив трипсинни аниқлаш усули бўйича ҳам МВ га ижобий жавоб қайд этилган. Такқослаш гуруҳи сифатида обструктив бронхитнинг рекуррент кечиши

(ОБРК) билан касалланган 35 нафар бола кўриқдан ўтказилди. Назорат гуруҳи ўхшаш ёшдаги амалий соғлом 20 нафар боладан иборат бўлди.

Болаларни комплекс клиник-лаборатор текширишлар жараёнида умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик, генетик, бактериологик ва статистик тадқиқот ва таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Жумладан:

1. Тадқиқотнинг махсус усуллари. Тер намунасини текшириш беморнинг тер суюқлигида хлор ионлари ўтказувчанлигини ўрганиш орқали Vescor (АҚШ) 3700 – SYS фирмасининг «Macroduct»-Sweat-Chek анализаторларида аниқланган. Тадқиқотлар ЎзР ССВ РИПИАТМ пульмонология бўлимида олиб борилган.

Ахлатдаги панкреатик эластазалар миқдори «Гунча Мед» диагностик марказида иммунофермент таҳлил (ИФТ) (ELISA) (ScheVo Tech, Wetterberg, Германия) усулидан фойдаланиб аниқланган.

МВ билан оғриган 45 нафар болада CFTR гени генетик жиҳатдан текширилган. Генетик тадқиқот «НПО-ДНК-Технология» ва «Синтол», Москва реагентлар жамланмаси ёрдамида РТ–ПЗР усулида ЎзР ФА иммунология ва инсон геномикаси институтида олиб борилган.

2. Биокимёвий текшириш. Иммунореактив трипсин даражаси ИФТ усулида Blood Spot Trypsin-MW ELISA аппаратида аниқланган. Тадқиқотлар Республика она ва бола Скрининг марказида олиб борилган.

25-гидроксикальциферол (D витамини) EUROIMMUN AG томонидан ишлаб чиқарилган EUROIMMUN 25-OH Vitamin D ELISA E150519 ВУ диагностик тест-тизими ёрдамида ИФТ усулида ЎзР ССВ РИПИАТМ лабораториясида аниқланган.

3. Иммунологик текширишлар. CD3⁺-, CD4⁺-, CD8⁺-, CD16⁺-, CD20⁺- лимфоцитлар, нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги (НФФ) Россия Федерацияси ИТИ (Москва)да ишлаб чиқарилган антилимфоцитар антитаналаридан фойдаланиб ЎзР ФА иммунология ва инсон геномикаси институтида аниқланган.

Қон зардобидаги IL – 1β ва IL – 8 цитокинлари таркиби ЎзР ССВ РИПИАТМ институти биохимия лабораториясида «Multiskan FC» (Финляндия) ярим автомат анализаторида аниқланган.

4. Бактериологик текширишлар. Томоқдан олинган суртмалар ва балғам микрофлораси микробиологик текширилган. Бактериал сезувчанлик ва резистентлик клиник ва лаборатор стандартлар (ЎзР ССВ РИПИАТМ) тавсияларига мувофиқ диско-диффуз усулда аниқланган.

5. Инструментал текширишлар. ЎзР ССВ РИПИАТМ пульмонология бўлимида SEMA 2000 дастуридан фойдаланиб SHILLER SPIROVIT SP-1 (Москва) спирометрида ташқи нафас функцияси (ТНФ) текширилган.

Дифференциал даволаш схемасини танлашда беморлар уч гуруҳга ажратилди:

I гуруҳ (назорат гуруҳи) га МВ билан оғриган ва фақат базис даво (БД) – кун тартиби, антибактериал даво, муколитик ва йўталга қарши дори воситалари, бронхолитик даво, тизимли энзимотерапия, симптоматик

даволаш ва физиоуолажалар (кинезотерапия) қабул қилган 40 нафар бемор киритилди.

II гуруҳ базис даво (БД) фонида Бактериал лизат (Исмижен) (ҳар куни эрталаб оч қоринга 7 мг дан 1 маҳал 10 кун давомида; профилактик курс 10 кунлик цикллар орасида 20 кунлик оралиқ интерваллар билан 3 та цикли ўз ичига олади) қабул қилган 40 нафар бемордан иборат бўлди.

III гуруҳни МВ билан оғриган, холекальциферолнинг паст миқдори (30 нг/мл дан паст) ва иммун тизимининг қуйи кўрсаткичлари қайд этилган 40 нафар бемор ташкил этди. Улар БД фонида + холекальциферол (аквадетрим препарати, Medana Pharma S.A., Польша) + бактериал лизат (Исмижен) (ҳар куни эрталаб оч қоринга 7 мг дан 1 маҳал 10 кун давомида; профилактик курс 10 кунлик цикллар орасида 20 кунлик оралиқ интерваллар билан 3 цикл) қабул қилишди.

Олинган натижаларнинг статистик ишлови Microsoft Office Excel – 2012 пакетида ишланган дастур томонидан амалга оширилди. Ўртача арифметик аҳамият (M), уларнинг стандарт хатолиги (m) ва Фишер-Стьюдент мезонлари бўйича ишончли фарқларни ҳисоблашда ўзгарувчанлик статистикаси усулларидадан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Болаларда муковисцидоз кечишининг клиник хусусиятлари ва учраш даражаси**» деб номланган учинчи бобида шахсий тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда МВ ни аниқлаш натижалари таҳлили беморларнинг ўртача ёшидаги тебранишлар диапазонининг ортиб бориш кўрсаткичи 6,4 ёшни ташкил этишини кўрсатди. Шунингдек, МВ билан оғриган 229 нафар бемор рўйхатга олинган ва улар улушининг катта қисми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига тўғри келади (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда МВ билан рўйхатдан ўтказилган болалар тўғрисида маълумот, (%)

Кузатув остидаги болалар текшириш ва даволанишга касаллик бошланишининг турли муддатларида қабул қилинган. Шундай қилиб, болалар стационарга 13,3% ҳолатда 3–5-суткада, 33,3% – 5–7-кунда, 53,3%

беморлар – зотилжамни уйда муваффақиятсиз даволашлардан кейин 8 ва ундан ортиқ кунларда қабул қилинган. МВ билан оғриган 21,7% болада узок давом этувчи сариқлик аниқланган, бу таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан ишончли фарқланади ($p < 0,01$).


Фон ҳолати таҳлил қилинганда энг кўп учровчи омиллар ажратилди, улардан I–II даражали камқонлик 93,3% болада аниқланди, бу, биламизки, болада кислородга тўйинмаслик ҳолатини оғирлаштиради; аллергик диатез – 60,0%, оксил энергетик етишмовчилик – 73,3% болада қайд этилди, бу таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан фарқланади ($p < 0,01$). Рахитнинг қолдиқ асоратлари 53,3% болада аниқланди ($p > 0,05$), бу ўпка вентиляциясини қийинлаштиради.

Стационарга қабул қилинган кунда беморларнинг умумий ҳолати, асосан, 53,3% болада оғир ва 26,7% болада ўртача оғир деб баҳоланган. Бемор болалар ота-оналари томонидан қилинган энг кўп шикоят 89,2% ҳолатда, асосан, эрталабки соатларда юзага келувчи хуружсимон йўтал, $8,5 \pm 0,3$ сутка давом этган кун давомидаги камдан-кам йўтал ($p < 0,01$) бўлган. МВ беморларда 17,5% – бурундан нафас олишнинг қийинлашиши, 80,8% – ёғли нажас, 15,0% – нафас сиқиш хуружлари, 45,0% – аралаш характердаги хансирашлар, 55,8% – иштаҳанинг йўқолиши, 45,0% – ланжлик, 93,3% – рангпарлик, 42,5% – уйқунинг бузилиши, 31,7% – ринит, 0,8% – кўкрак қафаси деформацияси кузатилган. Ўпкадаги перкутор ўзгаришлар 28,3% беморда ўпка товшининг қисқариши кўринишида, 38,33% – қутичасимон перкутор товуш ҳолати кузатилди. Дағал нафас олиш фонида 63,3% ҳолатда МВ билан оғриган беморлар аускультациясида турли калибрли нам хириллашлар эшитилди, уларнинг давомийлиги $8,8 \pm 0,2$ суткани ташкил этди ($p < 0,01$). Қуруқ ҳуштаксимон хириллашлар 25,0% беморда қайд этилди, уларнинг давомийлиги $4,5 \pm 0,18$ сутка бўлди ($p < 0,01$). 10,0% болада хириллашлар кузатилмади. Йўталгандан кейин ўтиб кетувчи ўрта ва йирик пуфакчали хириллашларнинг унча катта бўлмаган микдори 5,8% болада аниқланди. Ўпкаларнинг дистал соҳаси шикастланганлигидан дарак берувчи майда пуфакчали хириллашлар 22,0% беморда аниқланди.

МВ билан оғриган болаларда тер суюқлигида хлоридлар ўтказувчанлиги текширилганда 86,7% беморда мусбат натижалар қайд этилди, энг паст мусбат натижа 85 ммоль/л ва энг юқори натижа 147,0 ммоль/л бўлди. МВ билан оғриган болаларда тер суюқлигида хлоридлар ўтказувчанлиги текширилганда хлоридларнинг ўртача таркиби $115,2 \pm 1,3$ ммоль/л ни ташкил этди.

120/62 болада ўтказилган скрининг текшируви МВ бўйича хавф гуруҳи ҳисобланувчи 56,4% болада иммунореактив трипсин (ИРТ)нинг 100 нг/мл (ўртача $121,1 \pm 1,25$ нг/мл), 17,7% болада 150 нг/мл (ўртача $176,4 \pm 1,05$ нг/мл) ва 19,3% ида 250 нг/мл (ўртача $262,03 \pm 2,41$ нг/мл)дан юқори даражасини кўрсатди. 6,45% болада қондаги ИРТ концентрацияси меъёр чегарасида бўлди (ўртача $56,94 \pm 1,21$ нг/мл).

Скрининг гуруҳидаги болаларда касалликнинг дастлабки клиник белгилари касалликнинг бошланишидаёқ аниқланган. МВ билан оғриган бемор болаларни текшириш натижалари неонатал скрининг (НС) га боғлиқ ҳолда шуни кўрсатдики, гуруҳларда госпитализациялар сони статистик аҳамиятга эга бўлмади ($p>0,05$), бироқ НС сиз беморлар ўрин/кунларининг умумий сони НС билан гуруҳга нисбатан кўп бўлди ва бу статистик аҳамиятли ҳисобланди ($P<0,01$). I гуруҳда вазн жиҳатидан ортда қолиш, аҳамиятсиз стеаторея ва ахлатда панкреатик эластазнинг 200 мкг/г дан ортиқ юқори даражаси (меъёр) 41,9% болада қайд этилди, 32,3% болада – 100 дан 200 мкг/г гача ва 25,8% болада 100 мкг/г дан камлиги кузатилди. II гуруҳда ташхис қўйилган пайтда барча болаларда ошқозон-ичак тракти (ОИТ) томонидан ўзгаришлар (стеаторея, полифекалия, вазн қўшмаслиги) аниқланди, негаки, ушбу гуруҳдаги беморларнинг кўпчилиги адекват ўринбосар терапия (ферментотерапия) қабул қилмаган. Ахлатда панкреатик эластаза даражасининг 200 мкг/г дан ортиқлиги 6,9% болада, 100 дан 200 мкг/г гача – 3,4% бола ҳамда 100 мкг/г дан камлиги – 89,7% болада аниқланди (2-расм).




2-расм. МВ билан оғриган болаларда панкреатик эластаза даражаси кўрсаткичлари, (%)

МВ билан оғриган болалар кўкрак қафасини рентгенологик текширишдан олинган маълумотларга кўра 51,7% болада – ўпкаларнинг ҳар икки томонидан ҳам эмфизематоз кенгайиш, 37,5% болада – яққол томирли манзара, 90,0% болада – ўпканинг рентгеноморфологик таркиби бузилишлари билан ўпка илдизларида инфильтратив ўзгаришлар аниқланди. Қорин бўшлиғи ультратовушли текширилганда 5,0% болада – буйраклардаги диффуз ўзгаришлар, 2,5% болада – ўт пуфағи дискинезияси, 9,2% болада – ичаклар пневматози, 1,7% болада – ичак тутилишининг эҳобелгилари, 5,0% болада – гепатомегалия, 15,0% болада – жигарнинг диффуз ўзгариши кузатилди. Нейросонография (НСГ) ўтказилганда беморларнинг 7,5% ида – гипоксик ўзгаришлар, 5,0% ида – вентрикуломегалия, 0,8% ида – ички гидроцефалия қайд этилди. МСКТ текширувида бемор болаларнинг 3,3% ида – бронхиолит белгилари, 1,7% ида – сурункали энтероколит, 5,8% ида –

полисегментар зотилжам белгилари, 3,3% ида – кардит белгилари аниқланди. ЭхоКГ ўтказилганда 7,5% болада қўшимча хорда ва 0,8% болада – очик овал ойна қайд этилди.

Бактериологик текшириш натижаларига кўра МВ билан оғриган беморлар орасида таққослаш гуруҳига нисбатан томоқдан олинган суртманинг бронхиал секрет ва балғамда *Staf. aureus* – 26,0%, *Pseudomonas aeruginosa* – 20,0%, *Klebsiella pneumonia* – 11,7%, *Enterococcus* – 4,2%, *Staphylococcus epidermidis* – 13,3%, *Staphylococcus aureus/Pseudomonas aeruginosa* – 20,0%, *Escherichia coli/Staphylococcus aureus* – 2,5%, *Candida albicans/Pseudomonas aeruginosa* – 2,5% ҳолатда аниқланди. Олинган натижалар асосида тасдиқлаш мумкинки, *Staf. aureus* ва *Pseudomonas aeruginosa* МВ қўзғатувчилари ҳисобланади (3-расм).



3-расм. МВ билан оғриган беморларда бактериологик текширув натижалари, (%)

МВ билан оғриган беморларда ажратилган микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги ўрганилганда *Staphylococcus aureus* 100% ҳолатда III авлод цефалоспоринлар, карбапенемларга, 80% ҳолатда VI авлод цефалоспоринлар ва макролидларга, 60% ҳолатда – пенициллин, III авлод цефалоспоринлар ва аминогликозидларга сезгирлиги аниқланди. *Staphylococcus aureus* III авлод цефалоспоринлар, карбапенемларга мутлоқ сезгир, шунинг учун улар МВ билан оғриган болаларда эмпирик антибиотикли даво тавсия этилиши мумкин. *Pseudomonas aeruginosa* штамлари баҳоланганда 80% ҳолатда аминогликозидларга, 60% – карбапенемга ва фақат 20% ҳолатда – III авлод цефалоспоринларга юқори сезгирлиги аниқланди.


Pseudomonas aeruginosa сезгирлигини ўрганишдан олинган натижалар МВда эмпирик антибактериал даво тавсия этилган воситалар сифатида аминогликозидлар ва карбапенемлар гуруҳидан фойдаланиш имконини берди.

P. aeruginosa аниқланган болаларда касалликнинг нохуш кечиши кузатилди. Беморлардан олинган балғамни бактериологик текшириш натижалари ёмон вазиятлардан далолат берди ва улар орасида *P. aeruginosa*

нинг имитацияланувчи колонизацияси энг кўп учради ($p < 0,05$). Бу МВ кеч ташхисланган шароитларда бронх-ўпка жараёнларининг жуда оғир кечиши билан характерланди. Бироқ *St. aureus* нинг сурункали колонизацияси учраш даражаси бўйича фарқлар аниқланмади.

Спирометрик маълумотлар таҳлилида МВ билан оғриган 42 нафар болада ёшга боғлиқ бўлмаган ҳолда ташқи нафас функцияси (ТНФ) нинг турли бузилишлари аниқланди. МВ билан оғриган мактаб ёшидаги бемор болаларнинг 22,7% ида – рестриктив тип бўйича, 15,9% ида – обструктив тип бўйича ва 56,8% ида – комбинацияланган тип бўйича ТНФ бузилишлари кузатилди ($p < 0,01$).

МВ билан оғриган болаларда аниқланган ТНФ нинг комбинацияланган бузилишлари рестрикциянинг устунлиги билан характерланди, ўпканинг ҳаётий зарурий ҳажми (ЎХХ) нинг камайиши ва параллел равишда 1 секундда тезлаштирилган нафас ҳажми (ТНХ1) нинг ҳам камайиб бориши бунинг тасдиғи ҳисобланади ва бу ўпка кенгаювчанлигининг камайиши ва фиброз ривожланишидан далолат беради. Кўпчилик болаларда ЎХХ ва Тиффно индекси камайганлиги аниқланди, бу бронхиал ўтказувчанликнинг ўзгаришидан дарак беради. МВда ўпка вентилацияси ўзгаришининг комбинацияланган тип кўп учради (4-расм).



4-расм. Текширилган беморларда спирометрик кўрсаткичлар, (%)

Кўриқдан ўтказилган беморларда ТНФ ни текшириш натижалари ТНХ1 даражасининг назорат гуруҳига нисбатан 1,63 баробар (назорат гуруҳидаги болаларда $88,6 \pm 1,7\%$ бўлганда $54,0 \pm 0,9\%$, $p < 0,001$) ва таққослаш гуруҳига нисбатан 1,1 баробар (ОБРК бўлган болаларда $60,9 \pm 0,9\%$ бўлганда, $p < 0,001$) ишончли камайганлигини белгилаш имконини берди. Ўз навбатида ОБРК бўлган болаларда ТНХ1 даражасининг назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баробар камайганлиги қайд этилди ($p < 0,001$).

ЎХХ даражаси ўрганилганда МВ билан оғриган болаларда назорат гуруҳига нисбатан унинг 1,2 баробар (назорат гуруҳидаги болаларда $83,05 \pm 2,0\%$ бўлганда $69,52 \pm 1,05\%$, $p < 0,01$) ва таққослаш гуруҳига нисбатан 1,1 баробар (ОБРК бўлган болаларда $63,6 \pm 1,0\%$ бўлганда, $p < 0,01$) ишончли камайганлиги аниқланди. Ўз навбатида ОБРК бўлган болаларда ЎХХ даражасининг назорат гуруҳига нисбатан 1,3 баробар камайганлиги қайд этилди ($p < 0,001$). Тиффно индекси даражаси ҳам МВ билан оғриган болаларда амалий соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан 1,5 баробар паст

бўлди. МВ билан оғриган болаларда Тиффно индексининг ишончли (назорат гуруҳидаги болаларда $80,3 \pm 2,1\%$ бўлганда $55,0 \pm 1,0\%$, $p < 0,001$) ва таққослаш гуруҳига нисбатан 1,1 баробар ишончсиз камайганлиги қайд этилди ($59,7 \pm 1,1\%$, $p > 0,05$).

ОБРК бўлган беморларда ҳам Тиффно индексининг амалий соғлом болалар билан таққосланганда 1,4 баробар ишончли камайганлиги қайд этилди ($p < 0,01$). Бундан ташқари, МОС50 даражасининг назорат гуруҳига нисбатан 1,7 баробар камайганлиги кузатилди ва амалий соғлом болаларда $92,9 \pm 1,6\%$ бўлганда $53,0 \pm 1,0\%$ ни ташкил этди ($p < 0,001$). II ва III гуруҳлар ўртасида МОС50 фарқи ишончсиз бўлди ($p > 0,05$). Ўз навбатида ОБРК оғриган беморларда МОС50 даражаси назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан 1,7 баробар паст ($55,1 \pm 0,9\%$) ва бу кўрсаткичлар ишончли бўлди ($p < 0,001$).

МВ билан оғриган болаларда иммун тизимни текшириш натижалари касалликнинг зўрайиш фазасида қуйидаги оғишларни кўрсатди: $CD3^+$ –лимфоцитларининг назорат гуруҳига нисбатан 1,9 баробар (назорат гуруҳидаги болаларда $65,2 \pm 6,4\%$ бўлганда $33,1 \pm 1,1\%$, $p < 0,001$) ва таққослаш гуруҳига нисбатан 1,4 баробар ишончли камайиши (ОБРК бўлган болаларда $45,1 \pm 2,2\%$ бўлганда, $p < 0,001$). Ўз навбатида ОБРК бўлган болаларда $CD3^+$ –лимфоцитларининг назорат гуруҳига нисбатан 1,4 баробар ишончли камайиши қайд этилди ($p < 0,001$). $CD4^+$ –лимфоцитлар миқдори ўрганилганда уларнинг назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баробар (назорат гуруҳидаги болаларда $39,1 \pm 2,1\%$ бўлганда $25,8 \pm 0,5\%$, $p < 0,001$) ва таққослаш гуруҳига нисбатан 1,0 баробар ишончли камайганлиги аниқланди (ОБРК бўлган болаларда $30,3 \pm 2,9\%$ бўлганда, $p < 0,01$).

Ўз навбатида ОБРК бўлган болаларда $CD4^+$ –лимфоцитларининг назорат гуруҳига нисбатан 1,3 баробар ишончли камайганлиги қайд этилди ($p < 0,01$). МВ билан оғриган болаларда $CD8^+$ –лимфоцитлар миқдори амалий соғлом болалар кўрсаткичлари билан таққосланганда 1,3 баробар кўпайганлиги аниқланди. МВ билан оғриган болаларда $CD8^+$ –лимфоцитларнинг назорат гуруҳига нисбатан ($15,91 \pm 1,44\%$, $p < 0,01$) 1,5 баробар ишончли ошганлиги (назорат гуруҳидаги болаларда $19,5 \pm 1,9\%$ бўлганда $23,9 \pm 0,9\%$, $p < 0,05$) қайд этилди. ОБРК бўлган болаларда ҳам $CD8^+$ –лимфоцитларнинг амалий соғлом болалар билан таққосланганда 1,3 баробар ишончли ошганлиги қайд этилди ($p < 0,01$).

Шу билан бирга $CD16^+$ –лимфоцитларининг нисбий миқдори назорат гуруҳига нисбатан 1,7 баробар ошганлиги кузатилди (амалий соғлом болаларда $15,4 \pm 1,9\%$ бўлганда $25,8 \pm 0,9\%$, $p < 0,01$). МВ билан оғриган болаларда $CD16^+$ –лимфоцитлар миқдори таққослаш гуруҳига нисбатан 1,4 баробар юқори, ушбу кўрсаткич ОБРК бўлган болаларда $18,06 \pm 1,36\%$ ни ташкил этди ($p < 0,05$). Ўз навбатида ОБРК бўлган болаларда $CD16^+$ –лимфоцитлари таркиби назорат гуруҳига нисбатан 1,2 баробар юқори, бироқ ушбу кўрсаткичлар ишончсиз бўлди ($p > 0,05$).

Шунингдек, ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида МВ билан оғриган болаларда НФФ нинг ишончли камайиши аниқланди. МВ билан оғриган болаларда ушбу кўрсаткич $33,8 \pm 1,02\%$ ни ташкил этди ва бу назорат гуруҳига нисбатан 1,7 баробар кам ($58,5 \pm 2,3\%$, $p < 0,001$). ОБРК бўлган болаларда НФФ таркиби назорат гуруҳига нисбатан 1,4 баробар кам бўлди ва $41,8 \pm 1,3\%$ ни ташкил этди ($p < 0,001$). II ва III гуруҳлар ўртасидаги фарқ 1,2 га тенг бўлди ($p < 0,01$). МВ билан оғриган болалар гуруҳида $CD20^+$ – лимфоцитларнинг 1,5 баробар ошиш тенденцияси қайд этилди (назорат гуруҳидаги болаларда $18,2 \pm 1,7\%$ бўлганда $26,9 \pm 0,5\%$, $p < 0,01$). Таққослаш гуруҳидаги болаларда ҳам $CD20^+$ – лимфоцитларнинг 1,6 баробар ишончли ошиши қайд этилди ($p < 0,01$), бироқ II ва III гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$).

МВ билан оғриган болаларда цитокинлар даражаси текширилган ва таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди: МВ билан оғриган болаларда касалликнинг зўрайиш фазасида $IL - 1\beta$ даражаси амалий соғлом болалардан олинган маълумотлар билан таққосланганда 3,4 баробар юқорилиги аниқланди ва ўртача $101,0 \pm 4,8$ пг/мл ни ташкил этди ($p < 0,001$), таққослаш гуруҳига нисбатан эса 1,3 баробар юқори бўлди ($75,0 \pm 4,5$ пг/мл, $p < 0,01$). Ўз навбатида ОБРК бўлган болаларда $IL - 1\beta$ таркиби амалий соғлом болалардан олинган маълумотлар билан таққосланганда 2,5 баробар юқори ($p < 0,001$). $IL - 8$ даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2,8 баробар ишончли юқори бўлди ва бу ўртача $59,3 \pm 2,4$ пг/мл ни ташкил этди ($p < 0,001$), бироқ ушбу кўрсаткич таққослаш гуруҳига нисбатан 1,3 баробар ишончли паст бўлди ($p < 0,01$).


Базис даво олган болалар гуруҳида иммунологик кўрсаткичлар тикланмади, ҳатто айрим ҳолатларда бир йил давомида ушбу кўрсаткичлар бошланғич ҳолатига нисбатан камайди.

D витамини даражасини текшириш натижаларига кўра 90% бемор болаларда унинг миқдори 30 нг/мл дан паст бўлди. МВ билан оғриган болаларда D витаминининг ўртача даражаси 16,8 (6,0–40,6) нг/мл ни ташкил этди. Олинган маълумотлар таҳлилида МВ билан оғриган болаларнинг 10% ва назорат гуруҳидаги болаларнинг 55% ида D витаминининг меъёрий даражаси аниқланган. Қон зардобида D витамини етишмаслиги (25(OH) D 30 нг/мл дан камроқ) беморларнинг 20% ида ва амалий соғлом болаларнинг 30% ида қайд этилди ($p < 0,01$).

МВ билан оғриган болаларда CFTR гени полиморфизмлари мутацияси таҳлили шуни кўрсатдики, энг кўп учрайдиган ва ишончли мутация гомозигота ҳолатидаги болаларнинг 31% ида аниқланди, шунингдек, гомозигота ҳолатидаги болаларнинг 13,3% ида – 2143delT, 8,9% ида – R709X, 4,4% ида – Y569D ва 11,1% ида – N1303K кузатилди. Гетерозиготали ҳолатда F508del/G85E – 4,4%, 451del8/ F508del – 6,7%, 2143delT/ Y569D – 8,9%, 546insCTA/ F508del – 4,4% болада ҳамда уч нафар болада 451 del8/n, F508del/n, 2143delT/n мутациялари бўйича ташувчанлик аниқланди. CFTR-

F508del ва CFTR-2143delT мутациялари билан идентификацияланган барча болаларда МВнинг оғир кечиши билан характерланди.

Шунингдек, ушбу тадқиқотда CFTRнинг илгари тавсифланмаган бешта мутацияси – 451 del8, R709X, Y569D, 546insCTA, G85E аниқланди. Мутацияларнинг учта янги варианты гетерозиготали ҳолатдаги беморларда энг кўп учрайдиган мутация билан бириккан ҳолда ҳамда иккита янги варианты гомозиготали ҳолатда учради. МВ билан оғриган беморларда CFTR генининг генетик маълумотлари таҳлил қилинганда «оғир» ва «юмшоқ» мутациялар аниқланди. Иккита идентификацияланган CFTR аллеллари билан 120/45 беморда 8 та турли мутациялар аниқланди: ошқозон ости безини шикастлаш даражасига кўра улардан 5 таси «оғир» ва 3 таси «юмшоқ» мутацияларга киради. МВ билан оғриган беморлар гуруҳида «оғир» мутация генотиплари 31 нафар болада иккита «оғир» мутациялар – I, II ва/ёки III синфи билан учради; «юмшоқ» генотиплар бўлган гуруҳда – камида битта «юмшоқ» мутация – IV, V ёки VI синф мутациясига эга 14 нафар бемор (5-расм).



5-расм. Ўзбекистонда болалар ва ўсмирларда CFTR мутацияси спектри маълумотлари, (%)

